КИЧИК ВА ЎРТА КОРХОНАЛАРДА ҲАЁТИЙ ЦИКЛ ТАҲЛИЛИ АСОСИДА АУДИТ ЎТКАЗИШ УСЛУБИЁТИНИ ҚЎЛЛАШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Муйдинов Эркин Джамалдинович
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
докторанти, и.ф.н, доцент
https://doi.org/10.5281/zenodo.15270085

Аннотация. *Мазкур мақолада кичик ва ўрта корхоналарда аудиторлик текширувини ўтказиш жараёнида уларнинг хаёт цикли босқичларида юзага келадиган рискларни ўрганиш орқали корхоналар фаолиятга баҳо бериш ҳамда уларни ривожланишлари учун тавсиялар бериш услубиёти очиб берилган.*

Калит сўзлар*. Хаёт цикли, модель, аудиторлик текшируви, назария, босқич, пул маблағлари оқими, риск, диагностика, айланиш даври*

Аннотация. *В статье представлена методика оценки эффективности деятельности предприятий и представления рекомендаций по ее развитию на основе изучения рисков, возникающих при проведении аудита субъектов малого и среднего предпринимательства на различных этапах их жизненного цикла.*

Ключевые слова*. Жизненный цикл, модель, аудит, теория, этап, денежный поток, риск, диагностика, период оборота*

Abstract*. This article reveals the methodology of evaluating the activities of enterprises and making recommendations for their development by studying the risks that arise in the stages of their life cycle during the audit of small and medium-sized enterprises.*

Keywords. *Life cycle, model, audit, theory, stage, cash flow, risk, diagnostics, cycle time*

Кириш.

Аудит амалиётига бағишланган иқтисодий адабиётларда айрим ҳолларда тавсия этилган аудит усулларининг кўплаб тавсифлари мавжуд. Хусусан, аудит усулларини яратишда тўртта асосий ёндашув ажратилади: бухгалтерия, ҳуқуқий, махсус ва тармоққа хос[1].

Халқаро аудит назарияси ва амалиётида унинг ривожланиш йўналишлари, сурьатлари ва ҳозирги замон воқелигини ҳисобга олган ҳолда, охирги йилларда корхонанинг ҳаёт цикли назариясига асосланган аудит усулларини ривожлантиришга янги ёндашувлар таклиф қилинмоқда.

Мақолади мана шу янги қарашларнинг аудит учун аҳамият ташкил этувчи томонлари таҳлил қилиб чиқилади ва улардан кичик ва ўрта корхоналар фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказишда қўллар имкониятлари бўйича фикр билдирилади.

Тадқиқод усуллари.

Мақолани ёзиш жараёнида илмий изланишнинг маьлумотларни йиғиш, таққослаш, таҳлил қилиш ва амалий моделлаштириш усулларидан фойдаланилди

[1]. Подольский В.И. Аудит: учебник. — М.: Экономист, 2005. — 494 с.

Тадқиқод натижалари ва уларни муҳокамаси

Википедияга кўра, ташкилотнинг ҳаёт цикли - бу компания мавжуд бўлган давр ичида ўтадиган ривожланиш босқичлари тўпламидир[2].

Тирик организмнинг ҳаёт цикли билан биологик ўхшашликка асосланган ташкилотнинг ҳаёт цикли назарияси (ҲАН) сўнгги бир неча ўн йилликларда менежментда ривожланмоқда. Назариянинг асосий мақсади ташкилотда вақт ўтиши билан содир бўладиган ўзгаришларни тушунтиришдир. Бугунги кунга қадар олимлар ҳаёт айланиш жараёнининг жуда кўп моделларини ишлаб чиқдилар ва тақдим етдилар: Шмидт, Скотт, Грейнер, Торберт, Фламхолз, Кимберли, Миллер ва Адизес моделлари[3].

Циклни биологик концепциясини Менежментга мослашуви ташкилотнинг ҳаёт айланиши назариясининг пайдо бўлишига олиб келди. Бу назария И.Адизес, Л.Грейнер, К.Камерон, Р.Канн, Д.Ж. Кимберли, Г. Липпит, В.Шмидт, , Ф. Лиден, Д. Миллер, Б. Скотт, В. Торберт, П. Фризенларнинг асарларида ишлаб чиқилган.

И. Адизес шундай ёзади: “Мен ҳар бир тизимнинг – “нафас олиш” ёки йўқлигидан қатьий назар ўз ҳаётий циклига эга эканлигига ишонаман. Бизга маълумки, тирик организмлар - ўсимликлар, ҳайвонлар, одамлар туғилади, ўсади, қарийди ва ўлади. Худди шу нарсалар ташкилотлар билан ҳам содир бўлади. Улар ўзгариб, ҳаёт циклининг янги босқичига ўтганда, тизимлар башорат қилинадиган хатти-ҳаракатлар моделига айланади".[4]

Хорижда машҳур бўлган бўлган Грейнер моделига кўра ташкилотнинг ривожланиши 5 та кетма-кет босқичлардан иборат: ижодкорлик (креативлик), қатьий бошқарув, ваколатлар билан бўлишиш, мувофиқлаштириш ҳамда хамкорлик [5] .

А. Доунс модели (“Ўсишнинг харакатлантирувчи кучи” назарияси,1967 й)

корхона ҳаётий даврининг энг биринчи модели бўлиб, у корхона ўсиши ва ривожланишининг 3 та асосий босқичини ўз ичига олади: “яшаш учун кураш”; "тез ўсиш"; "секинлашиш". Шундай қилиб, корхона ташкил этиш, ўрнашиш, иннова-

цион ривожланиш ва кенгайтириш босқичларидан ўтади, сўнгра расмийлаштириш ва назоратга ўтади.[6]

Г. Липпит ва В. Шмидт назарияси хусусий секторда фаолият юритувчи ташкилотнинг ҳаёт цикли моделини тақдим етади. Ушбу моделда ташкилот ривожланишининг 3 босқичи мавжуд: туғилиш; ёшлик; етуклик. Модел бир бошқарув

---

[2]. https://ru.wikipedia.org/wiki ~:text=

[3]. Широкова Г.В., Козырева Т.П. Сравнительный анализ проблем на разных стадиях жизненного цикла организации . Вестник СанктПетербургского государственного университета. 2006. URL: https://cyberleninka.ru/article /n/sravnitelnyy- analiz-problem-na-raznyh-stadiyah-zhiznennogo-tsikla-organizatsii-1

[4].Адизес, И. Управление жизненным циклом корпорации : пер. с англ. СПб. : Питер, 2007. 384 с.

[5].Грейнер Л.Е. Эволюция и революция в процессе роста организаций. Вести.Санкт-Петербург университет.Сер.Менеджмент.-2002-№4- стр.76-92

[6].Лапко К.С., Муратова Е.В. Анализ и развитие модели жизненного цикла предприятия. [Электронный ресурс]. http://www.be5.biz/ekonomika1/r2011/1062.html (дата обращения 11.02.2016).

босқичидан иккинчисига ўтадиган 6 та асосий бошқарув вазифаларини тақдим етади.

Д. Кац ва Р. Кан назарияси ташкилий тузилмани ташкилотда унинг ривожланиш босқичига қараб содир бўладиган ўзгаришларнинг акси сифатида ифодалайди. Унинг фикрича ташкилотда ривожланишнинг 3 босқичи мавжуд (оддий тизимлар, барқарор босқич, таркибнинг ривожланиши).[7]

Е.М.Коротковнинг ҳаётий айланиш даври модели. 5 босқични ўз ичига олади: эксплерент (туғилиш ва шаклланиш), патент (бозорни забт этиш), виолент (бозорда барқарорликка эришиш), коммутант (пасайиш, қариш), леталент (бузилиш, фаолиятни тўхтатиш). Ҳар бир босқич корхонанинг муайян вақтдаги ҳолатига мос келади ва корхонанинг маълум хатти-ҳаракатлари билан тавсифланади (3.3.1-чизма).[8]

3.3.1-чизма. Корхоналар хаётий цикл босқичларининг қиёсий таҳлили

Показатель	**Хаётий давр босқичлари**				
	Яратилиш	**Ўсиш**	**Етуклик**	**Пасайиш**	**Жонланиш**
Маҳсулот сотишдан тушум	Ўсишни пайдо бўлиши, паст ўсиш	Сезиларли ўсиш	Ўсиш сурьатини пасайиши	Пасайиш	Пасайиш сурьатларини камайиши, ўсиш
Соф фойда	Мавжуд эмас	Пайдо бўлиши, кўпайиши	Барқарор даража, ўсиш сурьатлари пасаймоқда	Камайиш ёки йўқлиги, зарарни мумкинлиги	Мавжуд эмаслиги ёки паст ўсиш даражалари билан паст даражада
Бозор улуши	Жуда кам	Сезиларли тарзда ўсмоқда	Катта, ўсиш сурьатлари пасаймоқда	Пасайишда	Жуда кам, ўсиш даражаси паст
Ходимларнинг рўйхатдаги ўртача сони	Ўсиш	Сезиларли ўсиш	Барқарор даража	Камайиш	Барқарор паст даража
Ускунани юклаш коэффициенти	Паст	Ўртача, ўсмоқда	Барқарор юқори	Пасайиш	Паст

Корхона хаётий циклининг босқичларини тавсифловчи асосий кўрсаткичлар сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин: компаниянинг ривожланиш стратегияси, пул маблағлари оқимини ўзгариши, компания ходимларининг сони, юқори раҳбариятнинг билим даражаси, ташкилий-ҳуқуқий шакл, аҳлоқий маданият, ташкилотнинг бюрократизация даражаси ва бошқалар.

Корхона ҳаётий циклининг қайси ўзига хос босқичида эканлигини тушуниш учун биз биринчи навбатда унинг жорий фаолиятининг моҳиятини аниқлашимиз ва унинг ҳаётийлигини баҳолашимиз керак. Бунда корхона

[7].Иванова Т. Развитие теории жизненного цикла предприятий в современных условиях. http://cyberleninka.ru/article/n/razvitie-teorii-z ... ovremennyh-usloviyah

[8].Юданов А.Ю. Конкуренция. Теория и практика. – Москва.: Изд.Акалис, 2012

бозорда неча йил мавжуд бўлганлиги унча муҳим эмас. Потенциал хавфлар ва имкониятлар босқичга қараб фарқланади. Шунинг учун аудит жараёнида корхоналарни ҳаёт айланиши даврлари кесимида ўрганишдаги муҳим ҳолат бу жараёнларнинг хар бирида юзага келиши мумкин бўлган хавфларни ўрганиш ва билишдир.

Мазкур хавфларни четлаб ўтишнинг имкони йўқ бўлган холда аудитнинг мақсади уларни оқибатларини пасайтириш бўйича тадбирларни тавсия этишдир.

1912 йилда Р. Н. Монтгомери ўзининг "Аудит: назария ва амалиёт" асарида ҳаёт циклини хар босқичини ичида мавжуд хавфларни аниқлаш ва баҳолаш учун кенг қамровли аудит таомилларини ўтказишни зарурлигини таъкидлаган. Монтгомерининг фикрига кўра, ҳар бир цикл компаниянинг активлари ўтадиган ва бошқа активларга (капитални айланиши жараёни) айланадиган қадамлар кетма-кетлигини англатади.Муаллиф ўзининг ишларида бизнес-айланмаларни “ишчанлик фаоллигининг айланишлари” деб атайди ва унинг иккита асосий кўринишини беради:

- фойда олишнинг айланиш даври (Revenue Cycle);
- сотиб олишнинг айланиш даври (Purchasing Cycle)

Монтгомери ёндашувига кўра, ҳар бир ҳаёт цикли босқичининг ичида алоҳида циклни ташкил этувчи ҳар бир хўжалик муомалалари гуруҳи аудитор томонидан компаниянинг молиявий ҳисоботларни ишончлилигини таьминлашга қаратилган барча зарурурий бухгалтерия таомиллари ва самарали назорат амалга ошираётганлиги нуқтаи назаридан текширилиши лозим.[9]

Э.А. Аренс ва Дж.К Лоббек муҳими компаниянинг ҳақиқий молиявий натижаларини, бизнесга киритилган маблағларни самарадорлигини, капитал-

нинг таркиби ва даромадлилигини аниқлаш эканлигини асос қилган ҳолда аудиторларга компания доирасида 5 та бизнес-айланмаларни ўрганиб чиқиш-лари лозимлигини тавсия этадилар. Улар:

- сотиш ва тушум олишнинг айланиш даври;
- товар ва ҳисоб-китоб муомалаларини айланиш даври;
- меҳнатни ташкил қилиш ва унга ҳақ тўлашнинг айланиш даври;
- товар-моддий қийматларга оид муомалаларни айланиш даври;
- капитални шакллантириш ва унинг даромадлилигини айланиш даври.[10]

Американинг буюк олим Дж.Робертсон ўзининг “Аудит” деб номланган китобида бу цикларни қуйидагича баён қилади:

- даромад олиш цикли;

[9]. Аудит Монтгомери

[10]. Аренс Э.А, Лоббек Дж.К, Москва, изд.Финансы и статистика, 2001 г

- ишлаб чиқариш цикли;
- сотиб олиш ва харажат қилиш цикли;
- молиявий-инвестиция цикли.[11]

G.W.Cossera ўзининг тадқиқодлари асосида компания хаётининг муҳим муомалалари гурухларини қамраб олувчи қуйидаги айланиш даврларини ажратиб кўрсатади.

● материал-ишлаб чиқариш захираларини сотиб олишнинг айланиш даври;

● тайёр маҳсулот яратиш мақсадида ресурсларни қайта ишлашни амалга оширувчи ишлаб чиқаришнинг айланиш даври;

● тушум олиш мақсадида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотишнинг айланиш даври;

● компаниянинг кирувчи ва чиқувчи пул маблағлари харакати жараёнини акс эттирувчи даромад (тўлов) нинг айланиш даври;

● капитал қўйилмалар харакати жараёнини очиб берувчи инвестиция-ларнинг айланиш даври.[12]

3.3.2- чизмада хаёт цикли даврлари назарияси бўйича унинг турли босқичларида юзага келиши мумкин бўлган хатарлар гурухи бу борада

йирик мутахассислар деб ҳисобланган олимларнинг қарашлари келтирилган.

Ҳар бир модел шаклланиш, ўсиш, етуклик ва пасайиш босқичларини ўз ичига олади. Ушбу босқичларнинг ҳар бири маълум молиявий ва иқтисодий хусусиятларга эга. Шундай қилиб, ташкилотларни хаёт цикли (ТХЦ) модели корхоналарни диагностика қилишда муҳим ва самарали восита бўлиб хизмат

қилиши мумкин. Унинг воситасида мавжуд қийинчиликларни бартараф етиш

ва корхоналарга уларнинг ривожланишини таъминлаш учун стратегик ўзгаришларни ўз вақтида амалга оширишга имкон яратилади. Шу билан бирга, у аудиторларга ташкилий жараёнларни чуқурроқ тушунишга ва асосий аудит соҳаларини аниқлашга ёрдам беради.

Ҳаётий цикл назариясига асосланган ёндашувни қўллаш корхонани хозирда турган ҳаёт циклининг босқичига қараб аудит усулларини ишлаб чиқишни ўз ичига олади. Ушбу турдаги услубиёт корхона фаолиятини ташкил этиш, ривожланиш, етуклик ва пасайиш босқичида текширишни ўз ичига олади.

Ташкилотнинг ҳаёт айланишини ўрганган олимлар ҳар бир босқичда ташкилот турли муаммоларга дуч келишини таъкидлайдилар.

Ташкил этиш босқичида КЎКлар асосий ишлаб чиқариш жараёни ҳали тўлиқ ишга туширилмаганлиги учун паст рентабеллик даражалари билан

[11].Робертсон Дж, Аудит, Москва, Аудиторская фирма Контакт,1993 г

[12]. Cossera G.W.. Modern Auditing. Secondedition. John Wiley.2004

3.3.2-чизма. Корхоналарнинг ҳаёт цикли босқичларидаги хавфлар

Босқичлар	**Л.Грейнер**	**Д.Миллер ва П.Фризен**	**М.Скот ва Р.Брюс**	**И.Адизес**
Яратилиш	- бошқарув - ташкилий	- бошқарув - ташкилий	- бошқарув - маркетинг - ташкилий - ходим	- бошқарув - ташкилий - маркетинг - молиявий - ускуна
Ўсиш	- бошқарув	- молиявий	- бошқарув	- бошқарув

	- ходимлар	- маркетинг - ташқи - ходим	- ташкилий - маркетинг - ходим	- ташкилий - молиявий - ускуна - маркетинг - ходим
Етуклик	- бошқарув - молиявий	- молиявий - ускуна - бошқарув	- бошқарув - ходимлар	- бошқарув - ходимлар
Пасайиш	- бошқарув - молиявий - ташқи - ходим	- ташқи - маркетинг - молиявий		
Халокат (инқироз)		- маркетинг - молиявий		- бошқарув - ташкилий - маркетинг - ходимлар - молиявий

қаноатланишларига тўғри келади. Корхонада инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун бевосита жалб қилинган катта ҳажмдаги қарз маблағлари ҳам мавжуд бўлиши мумкин. Шунга кўра, ушбу босқичда корхона молиявий рискларнинг юқори эҳтимолини бошдан кечириши мумкин.

Ўсиш, яъни **ривожланиш босқичи**да компаниянинг рентабеллик кўрсаткичлари кўтарилади, маҳсулот сифати ошади ва умуман активларни интенсив модернизацияси амалга оширилади. Бундай ҳолда, молиявий риск юқори даражада сақланиб қолади ва ишлаб чиқариш рискининг пайдо бўлиш эҳтимоли ортади.

Етуклик босқичида корхона ресурслари тўлиқ банд бўлади, бунинг натижасида асосий фондларнинг тез эскириши, айланма маблағларнинг тўхтаб қолиши ва айланма маблағлар айланмасининг қисқариши содир бўлади.

Ушбу босқичда корхона ўзи фаолият кўрсатадиган муайян соҳага хос бўлган саноат рискларини бошдан кечиради. Агар компания мавжуд мажбуриятларини ўз вақтида тўлай олмаса, ликвидлик хавфи эҳтимоли юзага чиқади.

Компания фаолиятининг **пасайиши босқичи**да рентабеллик, айланма ва тўлов қобилияти кўрсаткичларининг пасайиши кузатилиши мумкин. Мар-кетинг фаолияти аввалги ишлаб чиқариш ҳажмини тиклашга имкон бермайди, компания етказиб берувчилар ва кредиторларнинг ишончини йўқотади. Умуман олганда, корхона юқори кумулятив хавфга дуч келади, бу эса охир-оқибат компаниянинг тўлиқ банкротлигига олиб келиши мумкин.[13]

Корхона хаёт цикли босқичларининг давомийлиги масаласи аудитор учун муҳим маълумот ҳисобланади. Бу борадаги фикрлар ва уларни таснифловчи кўрсаткичлар Г.В. Широкованинг тадқиқодларига кўра 3.3.3-чизмадагилардан иборат.

3.3.3- Чизма. Корхона хаёт цикли босқичларининг давомийлиги

Тасниф кўрсаткичлари	Ташкил этиш босқичи	Ривожланиш босқичи	Етуклик босқичи

Ёш	1–4 йил	4–10 йил	10–15 йил
Хажми	Майда корхоналар 3 тадан 100 тагача ходим	Ўрта компаниялар 100 тадан 250 тагача ходим	Ўрта ва йирик компаниялар 250 тадан 500 тагача ходим
Расмийлаштириш даражаси	Паст	Ўрта, дастлабки хужжатларни пайдо бўлиши	Юқори
Марказлаштириш даражаси	Юқори	Ўрта	Паст
Бозор улушининг ўзгариши	Бир оз ўсиш	Сезиларли ўсиш	Бир оз ўсиш, ёки пасайиш
Сотиш хажми	50–100 минг АҚШ доллари дан кам	50 минг АҚШ долларидан 2 млн. АҚШ долларигача	500 минг АҚШ долларидан 3 млн. АҚШ долларигача
Сотиш хажмидаги ўсиш	10–30%	30–50%	10–30%
Бозорлар	Махаллий, минтақавий	Махаллий, минтақавий, миллий	минтақавий, миллий, халқаро

Составлено по: Широкова Г. В. Жизненные циклы российских предпринимательских фирм: методология исследования и основные стадии. Автореф. дисс,докт. экон. наук. – СПБ: Высшая школа менеджмента. 2010, С. 25.

томони шундаки, етуклик даврида компаниянинг сотиш хажми абсолют

кўрсаткичларда ўсиш босқичидаги кўрсаткичдан кўпроқ бўлиши мумкин, лекин тушумни ўсиш сурьатлари ўсиш босқичида етуклик босқичидан юқорироқ

бўлади. Пасайиш босқичида эса сотиш хажми сурьатлари доимий пастлаш хусусиятига эга.[14]

Инқироз даврида ташкилот икки йўл билан янада ривожланиши мумкин: мураккабликнинг янги юқори даражасига ўтиш ҳамда мавжуд ташкилотни тугатиш ва ривожланишнинг барча кўрсатилган босқичларини яна босиб

[13]. Глотова Анастасия Сергеевна,Риски на различных этапах жизненного цикла предприятия.

https://phsreda.com/ru/article/97748/discussion_platform

[14]. Пономорёва Н.И, Луночкина Е.А, Методы проведения аудита финансового состояния организации с учетом стадии ёё жизненного цикла, Финан.универ при Правительстве РФ.

ўтадиган янги корхонани яратиш, яъни аслида янги корхона ташкил этилади.[15]

Ўсиш, ривожланиш даврининг муҳим хусусиятли томони шундан иборатки, бу даврда, айниқса ишлаб чиқаришга инновация ғояларини фаол киритиб борилаётган даврда компания фаолиятида кутилгандан юқорироқ

кўтарилиш ёки аксинча кутилмаган инқирозлар юзага келиб туради. Шунинг учун аудитор бу холатларни тўғри баҳолай олиши, яъни шу босқич учун хос бўлган вақтинчалик пасайишларни компания хаётиш айланиш даврининг мутлоқ пасайиш даври сифатида таснифламаслиги лозим. ***Бунда, холатни***

тўғри баҳолаш учун компания менежменти салохиятини жиддий ўрганиб чиқиш аҳамиятли ҳисобланади. Яъни, менежмент тажрибали, салохиятли бўлмаса, битта инқирознинг ўзи хам компанияни йўқ бўлиб кетишига сабаб бўлиши мумкин. Чунки амалиётда нолдан ташкил қилинган компанияларни айримлари етуклик босқичига етиб ҳам бормай тугаб кетиш холлари учраб туради.

Мамлакатда фаолият кўрсатаётган компанияларни хаётий айланиш даврини билишликни муҳимлигидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси молия ва иқтисодиёт вазирлиги томонидан бошланишига иқтисодиётимизни асосини ташкил қилувчи тармоқлардаги корхоналарни хозирда шу хаётий даврнинг қайси босқичида турганини аниқлаш учун иқтисодиёт йўналишидаги илмий-текшириш институтлари томонидан чуқур тадқиқодлар олиб борилишини ташкил қилиши лозим деб ҳисоблаймиз.

Аудитор олдинги уч-тўрт йил давомида пул оқимларининг прогнози ва хақиқатдаги натижаларини ўрганиши ва уларни мавжуд вазиятга мувофиқ баҳолаши, ҳамда олинган кўрсаткичларни турдош, таққосланадиган компа-ниялар кўрсаткичлари сурьатларини қиёсий баҳолаши лозим. Қониқарли молиявий ҳолат асосида барқарор ривожланаётган компаниялар, тармоқнинг

ҳаёт айланиши ва мамлакатдаги умумий иқтисодий вазиятни ҳисобга олган ҳолда, даромадлилик ва рентабелликнинг юқори ўсиш суръатлари билан ажралиб туриши керак.

Компаниянинг ҳаёт циклининг эгри чизиғи бўйича тараққиётини баҳолаш учун унинг салоҳиятини таҳлил қилиш лозим.

АҚШнинг юқори технологияли саноат корхоналарининг бешинчи Кондратиев циклининг юқори тўлқини бўйича ривожланишини ўрганиш шуни

кўрсатдики,масалан, ўсиш босқичида ишлаб чиқаришнинг мумкин бўлган ўсиш суръати етуклик босқичига қараганда юқори бўлади. Бундан чиқдики, корхоналарнинг салоҳияти унинг ҳаётий айланишининг босқичи билан белгиланади.

---

[15]. Иванова Т.Б., Переверзев Н.А. Развитие теории жизненного цикла предприятий в современных условиях. https://sciup.org/razvitie-teorii-zhiznennogo-cikla-predprijatij-v-sovremennyh-uslovijah-


Ҳаёт цикли модели асосида корхона ривожланишини ўрганиш ва унинг иқтисодий фаолияти натижаларини таҳлил қилиш аудиторга эришилган натижаларни унинг хозирда турган ҳаёт циклининг босқичига мос равишда баҳолаш имконини беради.

Ҳаётий цикл назариясига асосланган ёндашувни қўллаш корхона хозирда турган ҳаёт циклининг босқичига қараб аудит усулларини ишлаб чиқишни ўз

ичига олади.

Корхонани аудит текшируви ўтказилаётган пайтда хаёт циклининг қайси босқичида турганлигини аниқлаш қуйидаги усулларнинг бири ёки бир нечасининг комбинацияси ёрдамида аниқланиши мумкин.

3.3.4-Чизма.Корхонани хаёт цикли босқичини аниқлаш усуллар



Манба: Чизма муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Ҳаётий цикл назариясига асосланган ёндашувни қўллаш услубиёти корхонани ташкил этиш, ривожланиш, етуклик ва пасайиш, инқироз ёки ўзга шаклда тикланиш босқичларида текширишни ўз ичига олади.

Ушбу усуллар корхона ривожланишининг ҳар бир босқичининг хусусиятли холатларини ҳисобга олади ва аудит сегментлари сифатида асосий хўжалик муомалаларини, шунингдек, ушбу босқичларда назорат қилиниши керак бўлган молиявий-иқтисодий кўрсаткичларни ажратиб кўрсатади.

Бу борада Миссисипи университети профессори В.Дикинсон ўзининг “Пул оқими компания хаёт цикли кўрсаткичи сифатида” деб номланган илмий ишида корхона ҳисоботида акс эттирилган молиявий кўрсаткичларни таҳлил қилиш натижасида унинг хаёт цикли босқичларини аниқлаш услубиётини аудиторлар учун жуда қўл келади.

Қуйидаги 3.3.5-чизмада В.Дикинсонни услубиёти келтирилган.[16]

Мазкур услубиёт умумлашган бўлиб корхона айнан фаолият кўрсатаётган тармоқни ҳисобга олмаган бўлса ҳам унинг устунлиги ҳисоботни енгилгина таҳлил қилиш орқали корхона хаёт цикли босқичини аниқлаб беришда яққол намоён бўлади.

3.3.5- Чизма. Молиявий кўрсаткичларни корхона хаёт цикли босқичларига таьсири

Кўрсаткич	Юзага келиш	Ўсиш	Етуклик	Пасайиш
Асосий фаолиятдан пул оқими	-	+	+	-
Инвестиция фаолиятидан пул оқими	-	-	-	+

Молиявий фаолиятдан пул оқими	+	+	-	ҳар қандай
Сотиш хажми	паст	максимал	барқарор	камайиб борувчи
Сотиш сурьати	юқори	бозорда пайдо бўлган босқичдан паст	ўсиш даражасидан паст	тўҳтаган
Фойда	-	ошиб борувчи	+	-
Фойда сурьати	юқори	юқори	ўртача	мавжуд эмас
Молиявий леверидж	паст	максимал	ўсиш даражасидан паст	минималь ёки ноль
Молиялаштириш манбалари	мулкдорлар маблағи	кредитлаш	ўз капитали	мулкдорлар маблағи

Корхонани юзага келиши босқичида аудиторларнинг асосий эътибори тўлов қобилияти ва молиявий барқарорлик кўрсаткичларига, шунингдек, солиқни оптималлаштиришнинг энг муҳим элементларидан бири сифатида қаралиши мумкин бўлган ҳисоб сиёсатини шакллантиришнинг тўғрилигини текширишга қаратилиши керак. Шу билан бирга, бухгалтерия ташкилотининг бизнес жараёнлари ва корхонанинг ташкилий-ишлаб чиқариш тузилмасининг ўзига хос хусусиятларига мувофиқлиги баҳоланади. Бу ҳисоблар режасини танлаш, ички ҳисоботнинг таркиби ва мазмуни билан боғлиқ.

Аудитор бирламчи ҳужжатларни таҳлил қилишга ҳам алоҳида эътибор беради, бу эса барча хўжалик операцияларини тўлиқ акс эттиришни ва бухгалтерия регистрларини шакллантиришда шаффофликни таъминлаши керак.

Бухгалтерия ҳисобининг тўғрилиги, шу жумладан бошқарувнинг аҳамияти ички ишлаб чиқариш ҳисоботининг ишончлилиги ва ишончлилигини таъминлайди.Аудитнинг муҳим жиҳати бухгалтерия сиёсатининг ташкилот-нинг ривожланиш стратегиясига мувофиқлигини баҳолаш билан боғлиқ.

---

[16]. Пахтусова В.Н. Методы определания стадий жизненного цикла. NovaInfo.Ru.№ 52, 2016

Ривожланиш босқичидаги аудитнинг асосий йўналишлари сотиб олиш, ишлаб чиқариш ва сотиш даврларини, шу жумладан товар-моддий захираларни харид қилиш, тайёр маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш, даромад олиш ва молиявий натижаларни шакллантириш билан боғлиқ бизнес операцияларини ўз ичига олади. Шунингдек, бошқарув ҳисобини ташкил етишни, хусусан, жавобгарлик марказларини аниқлашни ва якуний маҳсулот учун харажатларни шакллантиришнинг ички ишлаб чиқариш ҳисоботида акс еттиришнинг аниқлигини баҳолаш керак.

Етуклик даврида корхона самарадорлигининг пасайишини кўрсатадиган асосий хабар, биринчи навбатда, асосий фондларнинг маълум даражада

маънавий ва жисмоний эскиришига эришиш, уларни янгилаш учун қўшимча маблағларни жалб қилишни талаб қилиши мумкин. Бундай вазиятда аудит объекти корхонанинг асосий воситалари бўлади. Агар асосий воситаларни янгилаш фаол амалга оширилаётган бўлса, унда, биринчи навбатда, уларни рўйхатга олишнинг ўз вақтида, амортизация бошланганли-гини ва баҳолашнинг тўлиқлигини текшириш керак. Агар асосий воситалар янгиланмаган бўлса, аудиторларнинг эътибори уларни таъмирлаш бўйича операцияларни текшириш, асосий воситаларни ўз вақтида ҳисобдан чиқариш ва қайта баҳолашга қаратилади. Етуклик босқичида корхона самарадорлигининг пасайишининг навбатдаги хабари айланма маблағларнинг ўлимидир, яъни. омборларда катта миқдордаги хом ашё, материаллар, шунингдек тайёр маҳсулотларнинг тўпланиши. Натижада, айланма маблағларнинг айланмаси ва сотиш рентабеллиги пасаяди. Бу соҳада товар-моддий захираларнинг сақланиши, товар-моддий захираларнинг сифати устидан ички назорат тизимини баҳолаш, уларнинг ҳаракати бўйича муомалаларнинг бухгалтерия ҳисобида тўғри акс эттирилганлигини текшириш аудиторлар учун муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, кадрлар ҳаракати кўрсаткичларига алоҳида эътибор қаратиш ва ходимларнинг, айниқса бошқарувчи ва бошқа асосий ходимларнинг алмашинуви даражасини таҳлил қилиш керак.

Корхонанинг ҳаёт циклининг пасайиш даври асосан рақобатчиларнинг тажовузкор сиёсати, шунингдек, унинг ресурсларининг қариши туфайли содир бўлади. Бу моддий ва кадрлар, ахборот ва ташкилий ресурсларга тегишли. Ушбу босқич заиф маркетинг ва қарз маблағларининг юқори улуши билан тавсифланади. Корхона фаолияти самарадорлигига ташқи омиллар катта таъсир кўрсатади. Рецессия босқичида барча молиявий-иқтисодий кўрсаткичлар беқарорлашади. Ушбу босқичдаги аудитнинг вазифаларидан бири корхонанинг қарз маблағлари таркибини ўрганиш, банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилиш эҳтимоли нуқтаи назаридан энг долзарб ва хавфли мажбуриятларни аниқлаш-

дир.

Шунингдек, муддати ўтган мажбуриятларнинг мавжудлиги ташкилот-нинг узлуксиз ишлаш имконияти нуқтаи назаридан ноқулай белги еканлигини ҳисобга олган ҳолда, хизмат кўрсатиш мажбуриятларининг ўз вақтида бажарилишини баҳолаш керак. Корхонанинг пул оқимларини баҳолашда сиз ташкилотнинг даромадлари ва харажатларини таққослашин-гиз керак. Ушбу таққослаш ташкилот томонидан ишлаб чиқарилган маҳсу-лотларнинг рақобатбардошлигини, шунингдек, ташкилотнинг ликвидлигини баҳолаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Аудиторлар барча кўрсаткичларни таҳлил қилишлари ва корхонани молиявий-иқтисодий соғломлаштириш бўйича чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқишлари керак.

Юқорида айтилганларга асосланиб, биз ҳаёт циклининг ҳар бир босқичида назорат қилиниши керак бўлган маълум кўрсаткичлар гуруҳлари ва бизнес муомалалари цикллари муаммоли деган хулосага келишимиз мумкин.

Молиявий аҳволни текширишни услубий таъминлаш масалалари етарлича батафсил ўрганилмаган ва у бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий фаолиятни таҳлил қилиш ва корхоналарининг ҳаёт даврларини ривожланиш хусусиятлари билан биргаликда тизимли ёндашув нуқтаи назаридан кўриб чиқилмаган. Ушбу соҳа тижорат ташкилотларининг

молиявий ҳолатини текшириш усулларини такомиллаштириш учун муҳим амалий ўрганишни талаб қилади. Масалан, талаб қилинади:

- компаниянинг ҳаёт даври босқичига қараб аудитни режалаштириш усулининг хусусиятларини аниқлаш;

- иқтисодиётни узоқ айланиш даври босқичларига қараб, корхона ривожланишининг ўзига хос хусусиятларидан ва унинг молиявий ҳолатидан унинг хаёт даврининг турли даражаларида фойдаланишнинг амалий жиҳатларини кўриб чиқиш;

- ҳаёт даврининг турли босқичларида корхоналарнинг молиявий натижалари ва молиявий ҳолатини ҳисобга олишда учраши мумкин бўлган мос хатолар ва бузилишларни ўрганиш.

Аудитнинг услубий усуллари аудитнинг мақсадли функциясига ва умумий илмий усуллар билан алоқадорликда шакллантирилади. Улар бир ҳил билим соҳаларига ўзаро кириб бориши билан тавсифланади. Масалан, бухгалтерия ҳисоби, хўжалик фаолияти таҳлили, статистика, тафтиш ва назорат, суд-бухгалтерия ҳисоби, шунингдек юридик фанларнинг ривож-ланиши аудит услубиётининг шаклланишига туртки берди.Шу муносабат билан аудит методологияси асосий тамойиллар, усуллар, услублар, уларни амалиётга татбиқ етиш усуллари ва воситалари тизими сифатида молиявий ҳисоботларни ҳаёт айланиш босқичи, унинг ривожланиши ва узоқ иқтисодий даврнинг босқичи билан боғлиқлик нуқтаи назаридан таҳлил қилишга асосланиши керак.

Корхонанинг ривожланишини ўрганиш ва унинг иқтисодий фаолияти натижаларини ҳаётий айланиш даври модели асосида таҳлил қилиш аудиторга эришилган натижаларни корхона хозирда турган ҳаёт даврининг босқичига мос равишда баҳолаш имконини беради. Ёки, аксинча, хўжалик юритувчи субъектнинг нормал ривожланишига хос бўлмаган хавфли холатлар мавжудлигидан хабар беради. Бундан ташқари, ҳар бир босқичнинг хусусиятларини инобатга олган ҳолда, бизнеснинг узлуксизлиги тамойилига раҳна солувчи хавфлар ва ҳуқуқбузарликларни аниқлаш мумкин бўлади[17].

Муаммони ўрганиш шуни кўрсатдики, даврий ривожланиш нуқтаи назаридан корхона учун асосий хавф унинг фаолияти узлуксизлигини бузилиш хавфи ҳисобланади. Корхона хаёт даврининг текширилаётган ҳар қандай босқичида аудитор унинг фаолиятини яқин келажакда тўхтаб қолмаслигига ишонч ҳосил қилиши керак. Корхонанинг ҳаёт даври босқичларидан ўтиши ҳақидаги маълумотлардан фойдаланиб, унинг ҳозирда ривожланишнинг қайси босқичида турганини билган ҳолда, аудитор аудит натижаларига кўра компаниянинг молиявий ҳолати тўғрисида нотўғри фикрни шакллантириш хавфини камайтиради. Корхона фаолият кўрсатаётган тармоқнинг хусусиятлари ва хозирдаги ривожланиш босқичини ҳисобга олмаган ҳолда молиявий коэффициентларни аниқлаш нотўғри хулосаларга олиб келиши мумкин.

Хулоса

Ҳаётий цикл назариясига асосланган таклиф этилаётган ёндашув тадбиркорлик субъектининг кейинги ривожланиш истиқболларини аниқлаш-нинг самарали методологиясини ишлаб чиқиш имконини беради.

Ушбу ёндашув қуйидагиларга имкон беради:

- ишлаб чиқаришни ташкил этишни такомиллаштириш ва қарорлар

қабул қилиш тизимининг самарадорлигини ошириш бўйича аудиторлик таклифларини ишлаб чиқиш;

- текширилаётган объектнинг энг муҳим омилларини аниқлаш ва уларнинг ушбу субъект фаолиятининг натижавий кўрсаткичининг оғишига таъсирини тўлиқроқ баҳолашни шакллантириш орқали аудитни ташкил этиш ва сифатини ошириш услубиётини такомиллаштириш.

Бундан ташқари, бу ўрганишнинг ишончлилиги ва тўлиқлигини йўқотмасдан, аудит вақтини ва харажатларини камайтириш имкониятини яратади. Бу эса молиявий менежмент ва иқтисодий таҳлил билан интеграцияга

йўналтирилган аудит услубиётини кейинчалик такомиллаштириш бошқарув қарорларини асослаш учун аудит натижаларидан фойдаланишга имкон беради.

---

[17].Пономорёва Н.И, Луночкина Е.А, Методы проведения аудита финансового состояния организации с учетом стадии её жизненного цикла, Финансовый университет при Правительстве Рос. Федерации